

Закоти берилмайдиган ҳайвонлар | Фикҳ дарслари (297-дарс)



19:00 / 05.09.2024 2329

Фақат далада ўтлайдиган, яъни йилнинг кўп қисмида яйловда боқиладиган ҳайвондангина закот бериш фарз бўлади. Кичикларидан ҳам берилмайди. Илло, катталарга тобе бўлсалар, берилади. Иш ҳайвонларида ҳам закот йўқ.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, агар ҳайвонлар фақат кўзи, улоқ, бузоқ ёки бўталоқдан иборат бўлса, улардан закот олинмайди. Чунки қирқта сут эмадиган кўзиси ёки бешта сут эмадиган бўталоғи бор одам бой ҳисобланмайди. Аммо оналарига қўшиб болаларидан ҳам закот олинади.

Чорва ҳайвонларидан закот олишда бир сон билан иккинчисининг орасида кўп сон қўйиш, масалан, қўйда 40тадан 120тагача битта, 120тадан

200тагача иккита қўй закот олиш ўша кичик болалари эътиборидан бўлган. Ҳанафий мазҳабининг бу қавли кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган.

Чорва ҳайвонларининг ишчисидан, яъни аравага, омочга қўшиладиган, юк ташишга ишлатиладиган, мириладиган, обжувозда, сув чиқаришда ёки шунга ўхшаш ишларда фойдаланиб туриладиганидан закот олинмайди. Чунки бундай ҳайвонлар ҳожати аслия ва иш воситаси ҳисобланади, ўсувчи мол эмас. Қолаверса, уларни ишга солиб топилган нарсалардан закот чиқарилади. Ана ўша закот йўлида хизмат қилганлари учун ҳам уларнинг ўзларидан закот олинмайди.

Бунга далиллар қуйидагилар:

هَيْلَعُهُنَّ أَسْأَبَعِ نَبَا نَع
لِاقُ مَالٍ سَلَاوُةَ الصَّلَا
لِمَاوَعْلَا رَقَبُ لِي فِ سَيْلِ
يُنْطَقَرَادِلَا هَاوَرُ . «عَقَدَص

1. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ишчи қорамолларда садақа йўқ», дедилар».

Дорақутний ривоят қилган.

عَالٍ صَلَا هَيْلَعُهُنَّ أَسْأَبَعِ نَبَا نَع
ي فِ سَيْلِ « لِقُ مَالٍ سَلَاوُ
هَاوَرُ . «عَقَدَصَ رِي ثُمْلَا

يُنْطُقِرَادِلَا

2. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ул зот алайҳиссолату вассалом:

«Ер ҳайдовчи ҳайвондан садақа йўқ», дедилар».

Дорақутний ривоят қилган.

نَعٍ بِيْعُشْ نَبٍ وَرَمَعُ نَعٍ
بِيْبْنَلَا نَعٍ، هَدَجُ نَعٍ، هِيْبَا
مَلَسَوِ هِيْلَعُ هَلَلَا يْلَص
«هُقَدَصَلْمَاوَعْلَا يْفَسِيْل»
يُنْطُقِرَادِلَا هَاوَر

3. Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ишчи(ҳайвон)лардан садақа йўқ», дедилар».

Дорақутний ривоят қилган.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.